



Conditions and consequences of joining the international organization "Open Government Partnership"

Mirshod KHUJAEV¹

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2025

Received in revised form

15 May 2025

Accepted 15 June 2025

Available online

25 June 2025

Keywords:

corruption,
openness and transparency,
open data,
open government
partnership,
budget transparency,
public oversight,
accountability.

ABSTRACT

This scientific article comprehensively analyzes the conditions and requirements necessary for the Republic of Uzbekistan to join the international organization "Open Government Partnership" (OGP), and thoroughly examines the potential positive changes as well as possible risks and challenges that may arise as a result of our country becoming a member of this prestigious organization. Additionally, the rich experiences of some foreign countries in the process of joining the OGP are cited as examples and deeply analyzed. The authors objectively assess Uzbekistan's potential and opportunities for joining this organization, and put forward a number of important and practical proposals and recommendations in this regard. This article is dedicated to studying topical issues aimed at further deepening reforms in the field of public administration and the development of civil society.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss3-pp499-506>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

“Очиқ ҳукумат ҳамкорлиги” халқаро ташкилотига аъзо бўлиш шартлари ва оқибатлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

коррупция,
очиқлик ва шаффофлик,
очиқ маълумотлар,
очиқ ҳукумат ҳамкорлиги,
бюджет очиқлиги,
жамоатчилик назорати,
ҳисобдорлик.

Ушбу илмий мақолада Ўзбекистон Республикасининг “Очиқ ҳукумат ҳамкорлиги” (OGP) халқаро ташкилотига аъзо бўлиши учун зарур бўлган шартлар ва талаблар атрофича таҳлил қилиниб, мамлакатимизнинг ушбу нуфузли ташкилот аъзосига айланиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган ижобий ўзгаришлар ҳамда эҳтимолий хавф-хатарлар ва рисклар ҳар томонлама кўриб чиқилган. Бундан ташқари, айрим хорижий

¹ Independent Researcher, Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan. Tashkent, Uzbekistan.

мамлакатларнинг OGP таркибига аъзо бўлиш жараёнида тўплаган бой тажрибалари ҳам мисол тариқасида келтирилиб, чуқур таҳлил қилинган. Муаллифлар томонидан Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотга аъзо бўлиш имкониятлари ва салоҳияти объектив баҳоланиб, бу борада қатор муҳим ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар илгари сурилган. Мазкур мақола давлат бошқаруви соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган долзарб масалаларни ўрганишга бағишланган.

Условия и последствия вступления в международную организацию «Партнерство открытого правительства»

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

коррупция,
открытость и
прозрачность,
открытые данные,
партнерство в сфере
открытого правительства,
прозрачность бюджета,
общественный контроль,
подотчетность.


В данной научной статье всесторонне проанализированы условия и требования, необходимые для вступления Республики Узбекистан в международную организацию «Партнерство открытого правительства» (OGP). Подробно рассмотрены возможные положительные изменения, а также потенциальные риски и угрозы, которые могут возникнуть в результате присоединения нашей страны к этой престижной организации. Кроме того, в качестве примера приведен и глубоко проанализирован богатый опыт, накопленный некоторыми зарубежными странами в процессе вступления в OGP. Авторы объективно оценили возможности и потенциал Узбекистана для вступления в эту организацию и выдвинули ряд важных и практических предложений и рекомендаций. Данная статья посвящена изучению актуальных вопросов, направленных на дальнейшее углубление реформ в сфере государственного управления и развитие гражданского общества.

Бугунги кунга келиб, коррупцияга қарши курашиш масаласи мамлакатимиз ва халқаро ҳамжамият учун борган сари муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Коррупцияга қарши курашишда эътибор нафақат жавобгарликни кучайтириш, тезкор қидирув фаолияти, тергов каби институтларга, балки коррупциянинг олдини олишга мўлжалланган чора-тадбирларни амалга оширишга, хусусан, очиқликни таъминлашга қаратилмоқда.

XXI асрнинг бошларидан жаҳон интернет тармоғининг оммалашиши, замонавий ахборот технологияларнинг бугунги кунга келиб ривожланиши давлат органлар ва ташкилотларининг ҳам фаолиятини рақамлаштириш, уларнинг жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини таъминлаш учун имкониятлар яратиб бормоқда.

Коррупция (*corruption*) ва очиқлик (*transparency*) сўзларининг барча манбаларда фойдаланилиш даражасини таҳлил қилсак, ушбу сўзлар 1990 йилдан бошлаб кўпроқ ишлатилганини кўришимиз мумкин:



Ушбу йўналишдаги янги ижтимоий муносабатларнинг келиб чиқиши кейинчалик халқаро миқёсда ҳам мамлакатимизда ҳам очиқлик ва шаффофлик тизимининг ҳуқуқий тартибга солинишига, давлат идоралари фаолиятида очиқлик ва ошкоралик тамойилларининг жорий этилишига қаратилган халқаро ташаббусларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Масалан, **Очиқ маълумотлар хартияси (Open Data Charter)** – давлат идораларига оид маълумотларни очиқ, шаффоф ва фойдаланиш учун қулай форматда тақдим этишга қаратилган халқаро ташаббус бўлиб, у 6 та асосий тамойиллардан таркиб топган.

Очиқ маълумотлар хартияси 150 дан ортиқ ҳукумат ва ташкилотнинг умумий тамойиллар асосида маълумотларини халқаро миқёсда очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш устида иш олиб боради.

Ёки, **Ахборотга бўлган ҳуқуқлар (RTI)** – БМТ, ЮНЕСКО, Европа Иттифоқи, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти каби ташкилотлар томонидан тавсия этилган ҳуқуқлар жамланмаси ҳисобланади*.

Ёхуд, **Очиқ ҳукумат ҳамкорлиги (OGP)** – 2011-йилда БМТ Бош Ассамблеяси ййғилишида жамоатчилик назорати ва коррупцияга қарши курашиш мақсадида **8 та** мамлакат (*АҚШ, Буюк Британия, Бразилия, Норвегия, Индонезия, Мексика, Филиппин, ЖАР*) келишуви асосида ташкил этилган бўлиб, асосий мақсади – давлат идоралари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш орқали фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш ва жамоатчилик билан ҳамкорликда ишлайдиган тизим яратиш ҳисобланади.

Мақолада мазкур ташкилотнинг мақсад ва вазифалари, ташкилотга аъзо бўлишнинг потенциал самараларини кўриб чиқамиз.

Бугунги кунда ташкилотга **75 та** мамлакат ҳукуматлари (*шу жумладан, Арманистон, Грузия, Қирғизистон ва Украина*) ҳамда **150 дан ортиқ** минтақавий ташкилотлар аъзо ҳисобланади.

* Мазкур ҳуқуқ давлат идораларининг жамоатчиликка ахборот тақдим этиш билан боғлиқ мажбуриятлар юклайди ҳамда ахборот излаш, олиш ва ундан эркин фойдаланиш бўйича ҳуқуқларни белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддаси билан мустаҳкамланган.

ОГРга аъзолик бир нечта тайёргарлик босқичларини ўз ичига олади. Хусусан, **“Очиқ ҳукумат” декларациясини** қабул қилиш ва **ОГРнинг 4 та мувофиқлик талаблари** (*фискал шаффофлик, ахборот олиш имконияти, мансабдор шахсларнинг активлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш, фуқаролар иштироки*) ҳамда **ОГР қадриятларига** жавоб бериш лозим.

Мувофиқлик талабларининг ҳар бири учун **4 баллдан (жами 16 балл)** берилади. **4 та** талабдан **камида 3 тасида** Ўзбекистон Республикаси баҳоланган бўлиши, шунингдек, умумий баҳонинг **75 фоизи** тўпланиши (*16 баллдан 12 ёки 12 баллдан 9*) ташкилотга аъзо бўлиш учун асос бўлади.

I. Фискал шаффофлик (бюджет шаффофлиги) талаби

Мазкур талабда асосий бюджет ҳужжатларининг очиқ эълон қилиниши ва тўлиқлиги баҳоланади.

Баҳолашда **Халқаро бюджет ҳамкорлиги ташкилоти (ИВР)** томонидан олиб бориладиган Бюджетнинг очиқлиги тадқиқотининг иккита кўрсаткичларидан фойдаланилади (*ижро этувчи ҳокимиятнинг бюджети очиқлиги ва аудит ҳисоботи*, ҳар бирига **2 баллдан жами 4 балл**).

ИВР мамлакатларни миллий бюджет жараёнларида очиқликни таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларни баҳолайди. Ушбу манба ОГР ташкилотининг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда **120 дан ортиқ** мамлакатлар (*хусусан, Грузия, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғиз Республикаси, Озарбайжон, Арманистон*) ташкилот томонидан баҳоланган.

Бугунги кунда **ИВР** томонидан Ўзбекистон Республикаси **баҳоланмаганлиги боис**, бюджет шаффофлигини таъминлашга оид олиб борилган ислохотлар **ОГРнинг фискал шаффофлик** талаби бўйича баҳолаш жараёнида инобатга олинмайди.

– **Ижро этувчи ҳокимиятнинг бюджети очиқлиги** йўналиши бўйича асосий бюджет ҳужжатларининг (*бюджет лойиҳаси, қучга кирган бюджет ҳужжатлари, даврий ҳисоботлар ва аудиторлик ҳисоботлари*) очиқлиги ва уларнинг тўлиқлиги, шунингдек, бюджет жараёнларида жамоатчиликнинг иштироки баҳоланади.

– **Аудит ҳисоботи йўналиши** бўйича қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг бюджет лойиҳасини кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш учун етарли вақтга эгаллиги, аудиторлик институтларининг бюджет ижросини самарали баҳолаш учун салоҳияти ва мустақиллиги баҳоланади.

Бугунги кунда фискал шаффофлик талаби бўйича Ўзбекистон Республикасида олиб борилган ислохотлар натижасида Ўзбекистоннинг салоҳияти мавжуд 4 баллдан энг камида **2 баллни** ташкил этади (*ўтказилган аудит текширувлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши қисми бажарилиши мавжуд салоҳиятни тўлиқ бажаришни таъминлайди*).

Фикримизча, давлат бюджетини шакллантиришга масъул бўлган Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан мазкур халқаро ташкилот билан музокаралар ўтказилиши ҳамда мамлакатимизнинг халқаро рейтингда баҳоланиши жараёнини ташкил этиш этиш Ўзбекистонда бюджет очиқлигини таъминлашга қаратилган ислохотларнинг халқаро майдонда эътироф этилишига хизмат қилади.

II. Ахборот олиш имконияти талаби

Мазкур талабга кўра ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлайдиган қонун қабул қилиниши ва амалда татбиқ этилиши белгиланган. Хусусан, аҳолининг давлат идоралари тасарруфидаги **ахборотдан фойдаланиши ҳуқуқи** кафолатланиши ҳамда давлат идоралари махсус сўровлар бўлмаса ҳам, маълумотларни фаол равишда ошкор қилиши белгиланган.

Баҳолашда **халқаро ахборот олиш ҳуқуқи рейтинги (RTI)** маълумотларидан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасига биноан, ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, мазкур ҳуқуқлар “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонун билан ҳам мустаҳкамланган бўлиб, **RTI** томонидан талаб тўлиқ бажарилган сифатида тан олинган.

III. Мансабдор шахсларнинг активлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш талаби

Мазкур талабда мансабдор шахслар томонидан даромад ва мол-мулклари ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш белгиланган. Хусусан, давлат хизматчилари мол-мулки ва даромадларини декларациялаш тизими жорий этилганлиги учун **2 балл**, декларациялар тўғрисидаги маълумотлар очиқ эълон қилингани учун **2 балл** берилиши белгиланган.

Баҳолашда **Жаҳон банкининг** маълумотларидан фойдаланилади.

ОГР томонидан **Грузияда** активларни декларациялаш тизими жорий этилганлиги максимал **4 балл** билан баҳоланган. Грузия “Давлат хизматидаги манфаатлар тўқнашуви ва коррупция тўғрисида”ги Қонуни билан мансабдор шахслар, жумладан, парламент аъзолари, судьялар ва юқори турувчи прокурорлар мол-мулки тўғрисидаги батафсил декларацияларни махсус электрон тизим орқали топшириши белгиланган.

Жорий йилнинг 5 март куни давлат раҳбари иштирокида ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши мажлисида Коррупцияга қарши курашиш агентлигига давлат хизматчилари даромадини декларациялашга оид қонунни жамоатчилик муҳокамасига қўйиб, киритиш топширилган эди.

Мамлакатимизда давлат хизматчиларининг даромадлари ҳамда мол-мулкни декларациялашни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши ҳамда декларациялаш тизими йўлга қўйилиши ортидан мазкур талабнинг тўлиқ бажарилишига эришиш мумкин.

IV. Фуқароларнинг иштироки талаби

Мазкур талабга кўра, мамлакатда муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнларида жамоатчилик иштирокини таъминлаш бўйича чоралар кўрилиши белгиланган.

Баҳолашда **“Economist intelligence unit”** халқаро ташкилотининг **Демократия индекси “фуқароларнинг эркинликлари”** субиндикатори манба сифатида фойдаланилади.

Ушбу манбада мамлакатлар “0” баллдан “10” баллгача баҳоланади (7.5 дан юқори натижа учун – **4 балл**; 5–7.5 балл учун – **3 балл**; 2.5 – 5 балл учун **2 балл**, 2,5 баллдан паст натижа учун – **“0”**).

Демократия индексининг 2023 йилги ҳисоботида Ўзбекистон **0,88 балл** баҳоланганлиги боис, **OGP** томонидан Ўзбекистонга ушбу талаб бўйича **“0” балл** берилган.

V. (қўшимча талаб) OGP қадриятлари

OGPга қўшилаётган янги мамлакатларга юқорида белгиланган шартларга қўшимча равишда қадриятлар текшируви бандини бажариши талаб этилади.

Мазкур талабга кўра, **V-Dem** (“*демократия турлари*”) маълумотлар тўпламида “фуқаролик жамияти институтларининг очилиши ва тугатилиши” ҳамда “фуқаролик жамияти институтларига босим” индикаторларидан биттасида **“3”** ёки ундан юқори баҳо тўплаш талаб этилади (*баҳолаш кўрсаткичлари “0” дан “4” гача*).

Мазкур ташкилотининг сўнгги ҳисоботида асосан Ўзбекистон иккала индикаторда **“1” балл** билан баҳоланган.

OGPнинг расмий сайтида бугунги кунда халқаро ташкилотга аъзо бўлмаган ҳамда аъзо бўлиш шартларига тўғри келадиган мамлакатлар рўйхати эълон қилинган бўлиб, Ўзбекистон мазкур рўйхатга киритилмаган.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг OGP талаблари бажарилиши бўйича бугунги кундаги натижаларини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

Фискал очиқлик	Ахборот олиш имконияти	Активлар тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш	Фуқароларнинг иштироки
Ижро этувчи ҳокимиятнинг бюджети очиқлиги ва аудит ҳисоботи <i>(манба томонидан баҳоланмаган)</i>	Ахборотдан фойдаланиши ҳуқуқи кафолатланган-лиги	Мансабдор шахсларнинг активлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш <i>(тегишли қонун қабул қилинмаган)</i>	Демократия индекси “фуқароларнинг эркинликлари” субиндикатори <i>(Ўзбекистон қониқарсиз баҳоланган)</i>
4 баллдан “0” <i>(потенциал 4 баллгача кўтариш мумкин)</i>	4 баллдан “4”	4 баллдан “0” <i>(потенциал 4 баллгача кўтариш мумкин)</i>	4 баллдан “0”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги ПФ-200-сон Фармони билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023–2024 йилларга мўлжалланган” давлат дастурига мувофиқ “Очиқ Ҳукумат ҳамкорлиги”га аъзо бўлиш масаласи бўйича асослантирилган таклиф ишлаб чиқиш белгиланганлиги мазкур ташкилотга аъзолик масаласининг қанчалик муҳимлигини кўрсатиб беради.

OGPга аъзо бўлиш талабларининг бажарилиши қуйидаги халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон ўрнини яхшилашга хизмат қилади:

	Рейтинг ёки индекс	Йўналиши
1.	Коррупцияни қабул қилиш индекси (<i>Transparency International</i>)	Коррупцияга қарши курашиш
2.	Бутунжаҳон бошқарув сифати индикаторлари (<i>Жаҳон банки</i>)	Давлат бошқаруви
3.	Хуқуқ устуворлиги индекси (<i>World Justice Project</i>)	Хуқуқ устуворлиги
4.	Матбуот эркинлиги индекси (<i>Reporters Without Borders</i>)	ОАВ эркинлиги
5.	Демократия индекси (<i>Economic intelligence unit</i>)	Инсон ҳуқуқлари
6.	Очиқ маълумотлар барометри (<i>World Wide Web Foundation</i>)	Очиқлик ва шаффофлик

Грузия, Эстония, Филиппин, Албания, Руминия, Греция каби мамлакатлар OGPга аъзо бўлгандан сўнг кейинги йилларда “**Transparency International**” коррупцияни қабул қилиш индексидаги натижаларида сезиларли ўсишга эришганлар:

Мамлакат	OGPга қўшилган йили	2011 йилда натижаси	2011 йилдаги ўрни	2014 йилда натижаси	2014 йилдаги ўрни
Грузия	2011	41	64	52 (+11)	51 (▲ 10)
Эстония	2011	64	29	69 (+5)	27 (▲ 2)
Филиппин	2011	26	129	38 (+12)	85 (▲ 44)
Руминия	2011	36	75	43 (+7)	69 (▲ 6)
Греция	2011	34	80	43 (+9)	69 (▲ 11)

Назаримизда, Ўзбекистон Республикасининг OGPга аъзо бўлиши мамлакатимизнинг нуфузли халқаро рейтинг ва индексларда ўрнини мустаҳкамлашга, хусусан, бошқарув сифати, хуқуқ устуворлиги, ОАВ эркинлиги, инсон ҳуқуқлари, коррупцияга қарши курашиш ва шаффофлик йўналишларидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-хуқуқий рейтинг ва индексларда ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

OGP халқаро ташкилотига Ўзбекистоннинг аъзо бўлиб киришини жадаллаштириш мақсадида **қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади:**

1. Ўзбекистонда бюджет очиқлигини таъминлашга қаратилган ислохотларнинг халқаро майдонда эътироф этилиши мақсадида “**Халқаро очиқ бюджет ҳамкорлиги**” (“**International budget partnership**”) ташкилоти томонидан юритиладиган халқаро рейтингда Ўзбекистоннинг баҳоланиши юзасидан халқаро ташкилот билан музокаралар ўтказиш.

2. Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича кенгашда OGP ташкилотининг талабларида келтириб ўтилган барча манбаларда (халқаро рейтинг ва индексларда) Ўзбекистон ўрнини таҳлил қилиш ва яхшилашга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш.

3. Очиқликни таъминлаш орқали коррупциянинг олдини олиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш

4. Туман ва шаҳар ҳокимликларининг очиқлик даражасини баҳолаш амалиётини босқичма-босқич жорий этиш.

5. “Очиқлик индекси”ни баҳолаш мезонларини халқаро рейтинг ва индекс талабларидан келиб чиқиб янада такомиллаштириш, хусусан баҳолаш мезонларини очиқликни таъминлаш соҳасидаги халқаро рейтинг ва индекслар талабларидан келиб чиқиб, янада такомиллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Google book ngram платформаси таҳлили – https://books.google.com/ngrams/graph?content=corruption%2C+transparency&year_start=1920&year_end=2022&corpus=en&smoothing=3

2. Мазкур ҳуқуқ давлат идораларининг жамоатчиликка ахборот тақдим этиш билан боғлиқ мажбуриятлар юклайди ҳамда ахборот излаш, олиш ва ундан эркин фойдаланиш бўйича ҳуқуқларни белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддаси билан мустаҳкамланган.

3. “Очиқ ҳукумат ҳамкорлиги расмий сайти. < <https://www.opengovpartnership.org/about/who-we-are/>>

4. Халқаро бюджет ҳамкорлиги расмий сайти https://internationalbudget.org/open-budget-survey/?utm_source=publications

5. Халқаро ахборот олиш ҳуқуқи рейтинги сайти < < <https://www.rti-rating.org/country-detail/?country=Uzbekistan>>

6. Жаҳон банки давлат мансабдор шахслари молиявий маълумотларини ошкор қилиш бўйича маълумотлар базаси. < <https://www.worldbank.org/en/topic/financialsector/brief/financial-disclosure>>

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот котибининг расмий телеграм канали https://t.me/Press_Secretary_Uz/5458

8. “Economist intelligence unit” халқаро ташкилотининг демократия индекси 2023-йилги натижалари <https://www.eiu.com/n/democracy-index-conflict-and-polarisation-drive-a-new-low-for-global-democracy/>

9. “Демократия турлари” (“Varieties of democracy”) халқаро нашрининг маълумотлар базаси. <https://www.v-dem.net/data/the-v-dem-dataset/>

10. OGP расмий сайти. <https://www.opengovpartnership.org/how-we-work/joining-ogp/eligibility-criteria/>

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (Парламент) 2013 йил, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси LexUz-online, <https://lex.uz/docs/6676585#6678094>